

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АКРАМОВА ДИЛШОДА ТУРДИҚУЛОВНА

**ПАРКИНСОНИЗМДА ЦЕРЕБРАЛ ҚОН ТОМИРЛАР
БУЗИЛИШИНING КЎП ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Акратова Дилшода Турдикуловна

Паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлили 5

Акратова Дилшода Турдикуловна

Многофакторный анализ церебральных сосудистых нарушений при паркинсонизме 20

Akratova Dilshoda Turdiqulovna

Multifactorial analyses cerebral vascular disorders in parkinsonism 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 40

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

АКРАМОВА ДИЛШОДА ТУРДИҚУЛОВНА

**ПАРКИНСОНИЗМДА ЦЕРЕБРАЛ ҚОН ТОМИРЛАР
БУЗИЛИШИНИНГ КЎП ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Паркинсон касаллиги марказий нерв тизимининг сурункали, доимий жадаллашиш тенденциясига эга касаллиги бўлиб, қариялар орасида кенг тарқалган ва нейродегенератив касалликлар орасида тарқалиши бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Цереброваскуляр касалликлар таркибининг 1 дан 15% гача паркинсонизм ҳолатлари ташкил қилиб, «...дунё бўйлаб ҳар 100 000 аҳолининг 200 нафарига ушбу касаллик юзага келиши кузатилади....»¹. Халқаро паркинсон жамғармаси ва ишчи гуруҳининг (MDS Task Force) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйича Паркинсон касаллиги билан хасталаниш ҳолатлари 10 миллиондан ортган ва ушбу касалликни яқин келажакда меҳнат ёшидаги одамларда учрашини ортиши- 40 ёшгача бўлган беморларнинг 5%, 50 ёшгача 10% да кузатилиши таъкидлаб ўтилган. Бутун дунё олимлари цереброваскуляр касалликларни, айниқса васкуляр паркинсонизмни кўп учраётганлиги, ёшараётганлиги, беморларнинг ҳаёт сифатини пасайиши, ногиронликка олиб келиши оқибатида ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолишига тиббий-ижтимоий муаммо сифатида эътибор қаратмоқда.

Жаҳонда паркинсонизмни церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлилни оптималлаштиришни ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизм кечишининг клиник хусусиятларини, касалликка хос когнитив бузилишларни, паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда нейровизуализацион ҳамда, интракраниал қон томирлар зарарланишини, қон зардобидида кортизол миқдори ортиши ҳамда қон зардобидида альфа-фетопротеин миқдорини ўзгаришларини, моддалар алмашинуви жараёнининг бузилишларини биоимпеданситометрия усули орқали баҳолаш ҳамда паркинсонизмда темпоритмал коррекция усулининг самарадорлигини ва циркада ритми бузилишларини, васкуляр паркинсонизм дифференциал ташхисотини махсус компьютер дастурини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган паркинсонизм касаллигини ташхислаш, унинг оқибатида ривожланадиган касалликларни даволаш натижасидаги асоратларини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш,

¹ Marras, C., Beck, J.C., Bower, J.H. *et al.* Prevalence of Parkinson's disease across world. *npj Parkinson's Disease* 4, 21 (2018).

ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг қўп омилли таҳлилини оптималлаштиришни ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: VADO Study Group (2012) кўплаб майда церебрал қон томир бузилишлари паркинсонизм клиникасига ва касалликнинг кечишига ва клиник белгиларни кучайтиришига таъсири ўрганилган (Istituti Clinici di Perfezionamento, Милан, Италия); Joong-Seok Kim et all (2017) тадқиқотларида васкуляр паркинсонизмда Паркинсон касаллигидан фарқли равишда юрак қон томир касалликларининг кўпроқ кузатилишини аниқлади. Hoogland J. et all. (2018) маълумотларига кўра цереброваскуляр касаллик кузатилмаган қарияларга нисбатан Паркинсон касаллиги кузатилган беморларда когнитив бузилишлар эртароқ юзага чиқади. Mechelle Lewis et all. (2018) нинг илмий ишларида Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда кузатиладиган нейровизуализацион ўзгаришлар чуқур ўрганилган. Maria Salsone et all. (2019) васкуляр паркинсонизмда оқ модданинг ўзгаришларини таснифлаган. Lydia Chougar (2021) тадқиқотларида магнит резонанс таҳлил орқали паркинсонизм белгиларини ажратишни синфларга бўлган ҳолда ўрганди. Sarah Buchanan (2021) паркинсонизмни юзага келтирувчи омилларни

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганган. Д.М.Похабов ва ҳаммуал. (2006) тадқиқотларида Паркинсон касаллигида ва васкуляр паркинсонизмда темпоритмал коррекция номедикаментоз усулининг самарадорлиги аниқланган. О.С.Левин ва ҳаммуал. маълумотларига кўра (2017) когнитив бузилишларга дофамин алмашинувининг бузилиши, миёда қон айланишининг бузилиши, моддалар алмашинуви жараёнидаги ўзгаришларни ва яна бир қатор омилларни сабаб қилиб кўрсатади.

Республикамізда Л.С. Петелин, М.А. Атаджановлар томонидан Паркинсон касаллигига чалинган беморларнинг 3–4 авлоди шажараси ўрганилган. М.М. Раимова (2017) ўзбек миллатига мансуб бўлган инсонларда Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг клиник ва дифференциал-диагностик хусусиятларини очиб бериш ҳамда уларнинг ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмнинг ўрнини асослаган, Р.Ж. Матмуродов (2017) экстрапирамидал касалликларнинг клиник-неврологик, нейропсихологик, биокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш, уларни эрта аниқлаш мезонлари ва дифференциал даволаш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган, бироқ, паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлилинини оптималлаштирилмаган.

Паркинсон касаллиги муаммоси йиллар давомида тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган, клиникаси, даволаш усуллари, дифференцирланган ёндашув тамойиллари борасида минглаб янгилик кашф этилган бўлсада, бугунги кунда касаллик ривожланиш патогенези, дифференциал ташхислаш ва асоратларни даволаш муаммолари, касаллик профилактикаси фақат илмий томондан эмас, амалий жиҳатдан ҳам ҳали ҳануз оқсайди. Бундан ташқари васкуляр паркинсонизм ва унинг асоратланган шаклларида неврологик хусусиятлар, когнитив бузилишлар, нейрофизиологик, нейровизуал маълумотлар кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Боз устига васкуляр паркинсонизмни ташхислаш ва даволаш алгоритми масаласи ҳозирги кунгача ўз ечимини топмаганлиги ушбу илмий ишни амалга оширишга сабаб бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» (2018–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади васкуляр паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш асосида касалликни ривожланиши ва жадаллашуви эҳтимолини прогнозлаш ҳамда даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизм кечишининг клиник хусусиятларини касаллик шаклига қараб, касалликка хос когнитив бузилишларни баҳолаш;

паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда нейровизуализацион ҳамда интракраниал қон томирлар зарарланишини баҳолаш;

паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда қон зардобида кортизол миқдори ўзгариши, ҳамда, қон зардобида альфа-фетопротеин миқдорини ўзгаришларини таҳлил қилиш;

паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда моддалар алмашинуви жараёнининг бузилишларини биоимпеданситометрия усули орқали баҳолаш;

паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда темпоритмал коррекция усулининг самарадорлигини ва циркада ритми бузилишларини, мелатонин ёрдамида бартараф этиш;

васкуляр паркинсонизм дифференциал диагностикаси учун махсус компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2021 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг неврология бўлимида даволанган 40 ёшдан 87 ёшгача бўлган 117 нафар беморлар ҳамда назорат гуруҳини 20 нафар соғлом инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал текширув натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

паркинсон касаллигида кортизол гормони ва альфа-фетопротеин миқдори ўзгариши билан когнитив бузилишлар даражаси орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк бор паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда моддалар алмашинуви жараёнининг бузилишларини биоимпеданситометрия усули орқали баҳоланган;

илк бор паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда темпоритмал коррекция усулининг самарадорлиги баҳоланган, мелатониннинг циркада ритми ҳамда когнитив бузилишларга таъсири илмий асосланган;

паркинсон касаллигидан васкуляр паркинсонизмни фарқловчи электрон дастурий таъминот яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

клиник, нейрофизиологик, нейровизуал кўрсаткичларини қиёслаш асосида қон томирлар бузилишининг ривожланишининг хусусиятлари аниқланган;

беморларни давомий динамик кузатиш асосида васкуляр паркинсонизм ривожланишини прогнозловчи эрта меъзонлари белгиланган;

кўп омилли математик таҳлилга асосланган дастур асосида невролог ва умумий амалиёт шифокорлари васкуляр паркинсонизмни эрта ташхислаш ва дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

когнитив бузилишларнинг ривожланиш эҳтимолини эрта ташхислаш имконини берувчи комплекс нейрофизиологик ва нейровизуал текширув усуллари неврологик илмий-текшириш маркази ҳамда стационар ва амбулатор шароитида фойдаланиш учун таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усуллари асосида паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлилини оптималлаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмни эрта ташхислашда ишончли прогностик маълумот олишдан ташқари дифференциал терапияни танлаш имконини беради ҳамда беморларда даво самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳада дезадаптация ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти когнитив бузилишлар ривожланишига мойил бўлган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион-тикловчи чораларини амалга ошириш, шунингдек, эрта муддатларда тўғри ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигининг ортиши ҳисобига госпитализация муддатини қисқартиради ва иқтисодий самарадорликни келтириб чиқаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлилини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда кузатиладиган когнитив бузилишлар ва темпоритмал коррекция усулининг қўлланилиши бўйича илмий тадқиқот натижалари «Васкуляр паркинсонизм ва Паркинсон касаллигида когнитив бузилишларни эрта муддатларда аниқлаш ва темпоритмал коррекция усулининг қўлланилиши» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 апрелдаги 8н-р/312-сон маълумотномаси). Натижада касалликни эрта ташхислаш, самарали даволаш муддатини қисқартириш ва когнитив бузилишлар асоратларининг олдини олиш имкон берган;

«Васкуляр паркинсонизм ва Паркинсон касаллигида когнитив ва уйқу бузилишларни коррекциялаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 02 июлдаги 8н-р/612-сон маълумотномаси). Натижада касалликни эрта ташхислаш, унинг асоратлари натижасида юзга келадиган уйқунинг бузилиши ва асоратларини бартараф этиш натижасида когнитив бузилишларни коррекциялаш имкон берган;

Паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлилини оптималлаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси, Бухоро шаҳридаги «Қаҳрамон Раҳимжон» хусусий клиникаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 октябрдаги 8н-р/318-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши паркинсонизм асоратларини ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари тақомиллаштириш орқали даволаш давомийлигини қисқартириш, асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Васкуляр паркинсонизм клиник кечиши ва қон томир, гормонал бузилишларнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Васкуляр паркинсонизм ривожланишининг этиологияси, патогенези ва хавф омиллари ҳамда, Паркинсон касаллигидан дифференциация қилиш ҳақидаги тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган. Паркинсонизмда беморларнинг гормонал ҳолати, уйқу бузилишлари, бош мия қон томирларида кузатиладиган асосий ўзгаришлар ва мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Паркинсонизмда церебрал васкуляр ўзгаришларни аниқлаш тадқиқот материаллари ва текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий тавсифига бағишланган асосий масала, шунингдек, олинган натижанинг статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Мазкур тадқиқот асосида 117 нафар беморнинг комплекс клиник текширувлари натижаларининг таҳлили қилинган. Илмий тадқиқот иши 2019-2021 йилларда ТТА клиникаси базасида бажарилган. Паркинсонизмдаги қон томир бузилишлари хусусиятларини баҳолаш мақсадида Паркинсон касаллиги кузатилган 47 нафар беморларда (биринчи гуруҳ), 40 нафар васкуляр паркинсонизм кузатилган беморлар (иккинчи гуруҳ), бош миянинг сурункали ишемияси кузатилган 30 нафар бемор (учинчи гуруҳ) ва 20 нафар асаб тизими ва юрак-томир касалликлари бўлмаган шахслар (назорат гуруҳи) да клиник-лаборатор, ускунавий ва гормонал текширувлар ўтказилган.

Биоимпеданситометрия саломатлик омилининг калит индикаторларини аниқлашга асосланган усул бўлиб, Tanita BC 545 (Япония) анализаторида госпитализациянинг иккинчи кунда ўтказилган.

қон зардобидида кортизол гормони ва альфа-фетопротеин миқдори веноз қон зардобидан иммунофермент усулида HUMAN реактиви ёрдамида Тошкент Тиббиёт Академияси Марказий Илмий Тадқиқотлар лабораториясида текширилган.

Беморлар когнитив статуси психик ҳолатни баҳолаш мини тести (Mini-mental State Examination- (MMSE)(1975)), когнитив ҳолатни баҳолаш Монреал шкаласи (Montreal Cognitive Assessment-(MoCA test)(1996)), депрессиянинг кузатилиши Бэк депрессия анкетаси орқали (Beck Depression Inventory(1996)), беморларда уйқу бузилиши Эпворт уйқу шкаласи (Epworth Sleepiness Scale, 2001) орқали баҳоланган. Натижалар анъанавий вариацион статистика усули билан тиббий-биологик тадқиқотлар учун қўлланиладиган дастурдан фойдаланилган ҳолда персонал компьютерда ишланган.

Диссертациянинг **«Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизм билан хасталанган беморларнинг клиник-неврологик ва нейровизуализацион аспекти»** деб номланган учинчи бобида Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда касаллик юзага келиш вақти ва беморларнинг гендер ҳарактеристикаси келтирилган. Ҳар икки гуруҳ беморларида касалликнинг юзага келиш ёши бир биридан фарқ қилиши таъкидланган (1-жадвалга қаранг).

ПК ва ВП юзага келишининг ёшга ва жинсга боғлиқлиги

Жинси ва ёши	ПК(n=47)		ВП(n=40)	
	Абс	%	Абс	%
Эркаклар	28	59,4	27	67,5
Аёллар	19	40,5	13	32,5
Ўртача ёши	52,4±4,3		61,3±4,4	
Касаллик бошланиш ўртача ёши	50,9±2,3		58,4±4,3	

Васкуляр паркинсонизмнинг келиб чиқиши ўрганилганда, 27,5% беморда васкуляр паркинсонизм инсультдан сўнг, 40%ида қандли диабет фониди ривожланган, 72,5 % беморда васкуляр паркинсонизм бош мия сурункали ишемияси фониди ривожланган, 22,5% беморда анамнезиди миокард инфаркти кузатилган, 22,5 % беморда диабетик микроангиопатия кузатилган. Олинган натижалар васкуляр паркинсонизмни ривожлантирувчи омиллар қаторига қандли диабет, бош мия сурункали ишемияси, инсультлар, миокард инфаркти етакчи омиллар сифатида киришининг яна бир бор исботлайди. ВП беморларида илк шикоятлари 35 % беморда оёқлар ригидлик билан бошланган бўлса, 40 % ҳолатда касалликнинг илк аломатлари ҳаракат секинлашувидан бошланган, фақатгина 10 % ҳолатда касалликнинг илк белгиси титроқдан бошланган. ПКда касалликнинг илк белгиси сифатида титроқ бошланган бўлса, 86% беморда бир томонлама титроқ бошланиши кузатилган, 72 % беморда титроқ фақат кўлда кузатилди, 28 % беморда титроқ оёқларда ҳам мавжуд. Васкуляр паркинсонизмда касаллик 68 % ҳолатда симметрик кузатилган ва асосан оёқдан бошланган. Асосий мотор бузилишлар асосан ҳар икки гуруҳда ҳам ўхшаш натижаларни қайд этди, аммо, ПК беморлари гуруҳида ВП беморлар гуруҳига нисбатан тинчликдаги треморнинг юқори фоизларда ифодаланиши 89,3% ва бу белгининг асосан ПК учун хос эканлигини тасдиқлайди. Шунингдек, ҳид билиш қобилятининг бузилишлари ҳам ПК беморларида устунлик қилди 57,4%, гипомимия ПК беморларида 70,2% учраган бўлса, ВП беморларида 22,5% ҳолатларда кузатилди.

Беморларда саломатлик омили биоимпеданситометрия усулида баҳоланган бўлиб, биоимпеданситометрияда тана вазнининг ортиши БМСИ ва ВП беморларида ишончли ортган, тана массаси индексининг юқори ортиши иккинчи гуруҳ беморларда кузатилган, мушак массаси биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларда ишонарли камайган, умумий суюқлик ҳажми ПК ва ВП беморларида ишончли камайган, суюқлар минерал массасининг камайиши ВП беморларида юқори ишончли ва ПК беморларида ишончли камайиши кузатилган, висцерал ёғ миқдори ВП ва БМСИ беморларида қайд этилган ($P<0,05$) (2-жадвалга қаранг).

**Саломатлик омилини баҳолашда биоимпеданситометрия
текшируви натижалари**

Биоимпеданситометрик кўрсаткичлар	ПК n=47	ВП n=40	БМСИ n=30
Тана вазни	58,4±1,38	66,5±1,21**	60,7±1,20*
Тана массаси индекси кг/м ²	23,2±0,08	30,8±0,82***	28,8±0,86**
Ёғ массаси %	17,6±0,91	31,2±1,22***	29,6±0,69*
Мушак массаси, кг	44,1±1,09*	51,2±1,01**	55,6±0,99
Умумий суюқлик %	48,6±1,65*	43,1±1,85**	55,2±3,12
Базал метаболизм, ккал	1577,3±53,9	1477±47,3	1667±38,5
Жисмоний ҳолат баҳоси	4,6±0,15	4,2±0,15	4,5±0,15
Суякларнинг минерал массаси	2,2±0,05*	2,1±0,05**	2,6±0,05
Висцерал ёғ	3,1±0,32	3,7±0,25**	3,5±0,2*

Изоҳ: * ишончли фарқ (* – p<0,05; ** – p<0,01; *** – p<0,001).


Нейровизуал текширувларда энгил перивентрикуляр шиш ПКда 49,7±% да (p<0,05), ВПда 62,4±%да (p<0,05) БМСИда 55,7±3,4% (p<0,05) беморда қайд этилган. Шунингдек, субкортикал лейкоареоз алоҳида ва майда майда кўп гиперинтенсивликда лейкоареозлар T₂ режимида турли локализацияда 1 гуруҳда 51,4% (p<0,05), 2 гуруҳда 74,8% (p<0,01), учинчи гуруҳда 49,3% ҳолатда кузатилган, пўстлоқ ости ядроларининг ишемик ўзгариши биринчи гуруҳда 49,2% (p<0,05), иккинчи гуруҳда - 76,2% (p<0,01), учинчи гуруҳда 38,9% ҳолатда кузатилди. МРТ таҳлилида олинган натижалар корреляцион таҳлил қилинганда перивентрикуляр шиш ва ва қадди қомат ва поза бузилиши ўртасида боғлиқлик кузатилди r=-0,31, координация бузилиши билан боғлиқлик r=0,71, хотира пасайиши билан r=0,31, эмоционал лабиллик билан боғлиқлик r=-0,31ни ташкил этди.

Ушбу боғлиқликлар мия лимбик соҳаси, хусусан, gyrus Cingularis нинг бош мия қоринча тизимининг кенгайиши билан боғлиқлиги ҳисобига хотира бузилиши ва эмоционал лабиллик келиб чиқиши билан асосланди ва хорижий олимлар маълумотлари билан тўғри келди (Bondok A. 2012).

МР ангиография маълумотларида васкуляр паркинсонизм кузатилган беморларда асосан ўрта мия артериясининг кўпроқ зарарланиши қайд этилган (1-расмга қаранг).

Қон томир торайишлари ва неврологик бузилишлар корреляцион боғлиқлик аниқланган. МР ангиографияда ўрта мия артерияси торайиши ва ҳаракатлар секинлашуви орасидаги корреляцион боғлиқлик r=0,31 (p<0,05) ни ташкил қилган, худди шундай қадди қомат ва поза бузилиши ва ўрта мия артерияси торайиши ўртасидаги корреляцион боғлиқлик r=0,31 (p<0,05) ни ташкил қилган. Умуртка артериясининг торайиши ва ҳаракатлар секинлашуви орасидаги корреляцион боғлиқлик r=0,30 (p<0,05), координация бузилиши орасидаги алоқалар r=0,77 (p<0,01)ни ташкил қилди. Олдинги ва

орқа мия артерияларининг торайиши ва координация бузилиши орасидаги корреляцион боғлиқлик $r=0,77$ ($p<0,01$), бош айланиши билан $r=0,31$ ($p<0,05$), инсомния билан боғлиқлиги $r=0,48$ ($p<0,05$) ни ташкил этган.



1-расм. Биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларида бош мия қон томирлар торайишининг кузатилиши.

Бизнинг таҳлилимиз ва хорижий адабиётлар маълумотларига кўра (Haines 2015), юқорида келтирилган ўзгаришлар нафақат умуртка ва орқа мия артерияларида қон айланишининг ёмонлашувидан келиб чиқади, балки ички уйқу артериясида қон айланиши бузилиши ҳисобига фронтопонтocereбеляр йўллар қон билан яхши таъминланмаслиги ҳисобига келиб чиққан.

Беморларда қон зардобиди кортизол гормонинг миқдори ўрганилганда асосий статистик ўзгаришлар ВП беморлари гуруҳида кузатилган ва кортизолнинг ўртача қиймати $264,6 \pm 66,4$ ни ташкил этди ва MMSE шкаласи бўйича когнитив нуқсонлар билан боғлиқлиги $r=-0,79$ $p<0,01$ MoCA test когнитив бузилишлар билан боғлиқлиги $r=-0,77$ $p<0,01$. Шунингдек ушбу гуруҳ беморларда АФП миқдорининг ПК беморлари гуруҳи ва амалий соғлом беморларга нисбатан ишончли ортганлиги қайд этилди $15,3 \pm 3,7$ ва MMSE шкаласи бўйича когнитив нуқсонлар билан боғлиқлиги $r=-0,80$ $p<0,01$ MoCA test когнитив бузилишлар билан боғлиқлиги $r=-0,79$ $p<0,01$ тўғри келди. Иккинчи гуруҳ беморларда қонда қанд миқдорининг ишончли ортди $p<0,01$, - Бэк шкаласи бўйича баҳоланганда ўрта оғирликдаги яққол депрессия мавжудлиги кузатилган $72,5\%$ $p<0,01$. Артериал қон босимнинг ортиши ҳам ВП беморлари гуруҳида биринчи ва учинчи гуруҳ беморларига нисбатан доминантлик қилган (2-жадвалга қаранг).

Тадқиқот маълумотларига кўра, когнитив бузилишларнинг ривожланиши ва депрессия кўп ҳолатларда учраши ҳар икки гуруҳ беморларига ҳам хос бўлиб, нафақат базал ядролар балки бош миянинг пўстлоғи соҳасида қон айланишини бузилиши оқибатида васкуляр паркинсонизмда бу ўзгаришлар яққолроқ юзага чиққан.


2-жадвал

Беморларда кортизол ва АФП миқдорининг ўзгаришлари

	ПК	ВП	БМСИ	Амалий соғлом
Кортизол мг/мл	229,4±43,3*	264,2±66,4**	116,7±10,9	98,7±9,4
АФП Ед/мл	17,5±1,01*	21,4±1,3**	8,34±1,1	9,34±1,7
Қонда қанд миқдори мл/мл	5,6±1,4	8,9±2,2**	5,5±1,1	4,4±1,1
MMSE балл	22,4±2,2*	20,4±2,3**	26,4±1,1	28,4±2,1
MoCA test балл	23,4±2,2*	21,5±2,3**	27,4±2,1	29,4±1,1
Бэк депрессия анкетаси бўйича балл	19,7±2,2*	28,7±1,3**	11,5±1,6	9,3±1,3
АҚБ систолик мм.сим.уст	110,4±9,3	129,6±10,8**	116,4±7,3*	100,8±7,6

Изоҳ: * ишончли фарқ (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$).

Нейропсихологик шкалалар бўйича таҳлил қилинганда ВП беморлари гуруҳида MMSE шкаласи бўйича баҳоланганда умумий натижалар 2 яққол ривожланган когнитив бузилишлар чегарасида эканлиги, MoCA test бўйича ҳам яққол ривожланган когнитив бузилишлар статистик жиҳатдан ишончли ўзгариши қайд этилган. Когнитив бузилишлар ВП беморларида 72,5% ҳолатда кузатилган $p < 0,01$ (2-расмга қаранг).



2-расм. Беморларда АФП ва кортизол миқдорининг ўзгариши.


Илмий иш доирасида “Васкуляр паркинсонизм ва Паркинсон касаллигини баҳолаш бўйича дастурий таъминот” ишлаб чиқилди (DGU 11764). Клиник тадқиқот давомида Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизм билан касалланган жами 87 бемор – дастурий таъминот дастури бўйича баҳоланди. Паркинсон касаллиги ташхиси билан 47 нафар

бемор баҳоланганда 19,1% ида диагностик кўрсаткич 71 балл дан юқори, 31 нафар (66%) беморда эса 30-70 балл кўрсаткич натижани қайд этган ($p < 0,05$), 11% натижалари эса 29 баллдан паст эканлиги қайд этилган (4-расмга қаранг).

Васкуляр паркинсонизмли беморлар дастурий таъминот бўйича баҳоланганда 27 нафар беморда (67,5%) 71 баллдан юқори натижа қайд этилди ($p < 0,05$), 9 нафарида (22,5%) эса 30-70 балл оралиғидаги натижа, 4 нафаридада (10%) эса 29 баллдан паст кўрсаткич натижа қайд этилди.

Дастурий таъминотнинг аксарият кўрсаткичлари бўйича баҳоланганда, левадопатерацияга самарадорлик ПК 73% беморларида ($p < 0,01$), ВП беморларида эса 42% ҳолатда кузатилган ($p < 0,05$). МРТ таҳлилида пўстлок ости инфарктлари ПК беморларида 34%, ВП беморларида 67% ҳолатда кузатилган ($p < 0,01$).

Васкуляр паркинсонизм ва Паркинсон касаллигини баҳолаш дастурий таъминоти васкуляр паркинсонизмни Паркинсон касаллигидан эрта муддатларда самарали диагностика қилиш имконини беради.



3-расм. Биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларнинг дастурий таъминот бўйича баҳоланиши

Диссертациянинг «Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда ўзига хос терапевтик ёндашув ва унинг асоратларини прогноزلаш» деб номланган тўртинчи бобида касалликни медикаментоз ва номедикаментоз даво усулларига алоҳида ёндашилган.

Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмни номедикаментоз давоси сифатида беморларга темпоритмал коррекция (ТРК) комплекс нейрореабилитацион машқлари ўтказилган. ТРК давомида қадам узунлигининг ўзгариши динамикаси назорат қилинган.

ТРК ўтказилишидан аввал ҳар икки гуруҳда ҳам беморлар титроққа кўп шикоят қилган, ўзига ўзи хизмат қилиш қобилияти пасайиши, кундузги чарчокнинг юқори даражада кузатилган, ТРК ўтказилганидан сўнг бу ижобий ўзгаришлар ҳар икки гуруҳда ҳам титроқ 2 баробарга, кундузги чарчок 64% ҳолатда камайганлигини ($p<0,05$), ўз ўзига хизмат қилиш қобилияти 56% ҳолатда ортганлиги ($p<0,05$) кузатилганлиги аниқланди, бу эса ТРК усулининг қўлланилиши сезиларли даражада самарадорликни кўрсатади.

Паркинсонизмнинг номотор бузилишларидан бири бу уйқу бузилишлари бўлиб, уйқу бузилишлари паркинсонизмда ретикуляр формацияда қон айланишининг бузилиши оқибатида юзага келади. Ҳар икки гуруҳда уйқу бузилишларининг учраши таҳлил қилинган.

Клиник баҳолаш усуллари билан бир қаторда ҳар бир беморда мелатонин терапиясининг самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди, баҳолаш мелатонин тайинланишидан олдин, шунингдек, уни қабул қилишдан 4-8 ҳафта ўтгач такроран ўтказилди. Беморлар иккига ажратилиб бир гуруҳга фақатгина базавий даволаниш тавсия этилган бўлса, иккинчи гуруҳга 3 мг мелатонин уйқудан 40 дақиқа олдин тавсия этилди. Ножўя таъсирлар кузатилган ҳолатда мелатонин дозаси 1,5 мг га пасайтирилди. Даволаш давомида паст самарадорлик кузатилганида мелатонин дозаси 6 мг гача оширилди. Уйқу бузилишлари Эпворт шкаласи бўйича баҳоланган, ВП беморлари орасида ҳам мелатонин терапия ҳам юқори самарадорлик динамикасини кўрсатди, даволашнинг биринчи ҳафтасидан сўнг самарадорлик 10% ни, иккинчи ҳафтасидан сўнг 19 %ни, учинчи ҳафтадан сўнг 32%ни ташкил этган бўлса, тўртинчи ҳафтадан сўнг 45% самарадорлик кузатилган.

3-жадвал

Модифицирланган ПК ва да уйқу бузилишини баҳолаш шкаласи бўйича ПК беморлари гуруҳида натижалар

	1 ҳафтадан сўнг	2 ҳафтадан сўнг	3 ҳафтадан сўнг	4 ҳафтадан сўнг
ПК				
Базавий даволаш	51,2±2,3	50,4±2,1	49,2±2,1*	46,2±2,6
Базавий даволаш+ мелатонин терапия	48,3±3,3	45,1±2,3	40,2±1,3**	33,1±1,3***
ВП				
Базавий даволаш	52,1±2,3	51,2±1,4	50,3±3,3	48,1±1,38
Базавий даволаш+ мелатонин терапия	48,2±4,3	43,1±2,3*	36,3±2,3**	30,2±2,3***

Эслатма. * ишончли фарқ (* – $p<0,05$; ** – $p<0,01$; *** – $p<0,001$).

ПК беморлари гуруҳида Паркинсон касаллигида уйқуни баҳолаш модифицирланган шкаласи бўйича даволашдан олдин умумий ўртача балл

53,4±3,3 баллни ташкил қилди. Динамикада олинган натижалар назорат қилинган (3-жадвалга қаранг).

Кундузги уйқучанлик Эпворт шкаласи бўйича ҳар икки гуруҳда 12 баллдан натижа кўрсатган бўлса, бир ҳафтадан сўнг ПК гуруҳида 10 балл, ВП гуруҳида 9 балл натижани, икки ҳафтадан сўнг ПК билан беморларда 8 балл, ВП кузатилган беморларда 7 балл натижани кўрсатди, 3 ҳафтадан сўнг Эпворт шкаласи бўйича ПК беморлари 6 баллни, ВП беморларида эса 5 балл натижани кўрсатган, даволаш якунлангандан сўнг ПК беморлари гуруҳида ўртача 4 балл, ВП беморларида 3 балл натижа олинган, ушбу натижалар мелатонин билан даволаш жараёни динамикасида сезиларли ўзгаришлар билан ижобий натижаларга эришиш мумкинлигидан далолат беради.

Олинган натижалар асосида беморларда васкуляр паркинсонизм эҳтимолини прогнозлаш учун махсус прогностик жадвал яратилди. Баллар жамланади ва балларнинг қуйидаги қийматларида: 1 баллдан 9 баллгача – паркинсонизм аломатларининг бўлмаслиги ёки енгил даражада мавжудлигини билдиради; 10 баллдан 18 баллгача – ўрта даражадаги қон томир танқислиги ташхисланади, нейротроп препаратлар тайинланиб динамик кузатув остида стационар шароитларда даволаш зарурлигидан далолат беради; 19 балл ва ундан юқори – когнитив танқисликнинг оғир даражаси деменцияга мойиллик билан, стационар даво ва нейротроп препаратлар тайинланиши шарт.

ХУЛОСАЛАР

«Паркинсонизмда церебрал қон томирлар бузилишининг кўп омилли таҳлили» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг ривожланиш омиллари, касаллик дебюти, клиник кечиши, вегетатив, психо-эмоционал ва когнитив бузилишлар даражаси бир-биридан кескин фарқ қилади. ВП ривожланишида энг асосий омил сифатида АГ 86,5% ($p<0,05$), БМСИ 72,5% ($p<0,05$), қандли диабет 40% ($p<0,05$), ўтказилган инсультлар 55,5% ($p<0,05$) ҳамда ушбу омиллар комбинацияси 82,3% ($p<0,05$) ҳолатда кузатилди;

2. Васкуляр паркинсонизмда узоқ муддатли церебрал қон томирлари бузилишлари жараёни мия тўқимасининг морфологик структурасини ўзгартиради. Қон томир ўзгаришлари ўзига хос равишда, васкуляр паркинсонизмни патофизиологик шакли, нейровизуализацион кўриниши ва касаллик клиник шаклига таъсир қилиши бўйича клиник аҳамиятга эга;

3. Паркинсон касаллигида ва васкуляр паркинсонизмда қон зардобиди кортизол гормони миқдорининг ва альфа-фетопротеин миқдори сезиларли ортиши кузатилади ($p<0,05$) ва шунга боғлиқ равишда когнитив бузилишлар даражаси ортиб боради, яъни кортизол гормонининг миқдори ва когнитив бузилишлар даражаси бир бирига тўғри пропорционал $r=0,85$ $p<0,01$;

4. Васкуляр паркинсонизмда организм тўқималари даражасидаги саломатлик омили биоимпеданситометрия усули орқали баҳоланганда мушак массасининг 26,1% га ($p<0,01$), минераллар массасининг 14,7% ($p<0,05$) га, танадаги сув фоизи 12,3% га ($p<0,05$) камайиши, тана массаси индексининг $3,8 \text{ кг/м}^2$ ортиши кузатилиб, БМСИдаги кўрсаткичларидан 1,3, ПК беморларга нисбатан 1,5 мартага фарқ қилди. Умумий ва висцерал ёғ миқдорининг яққол ортиши ($p<0,01$) васкуляр паркинсонизмдаги дисметаболик жараёнлар ва жисмоний ҳолат кўрсаткичининг камайишига бош мия қон томирларининг зарарланиши омили сифатида қараш лозим. Биоимпеданситометрия орқали саломатлик омилини баҳолаш беморлар жисмоний ҳолати терапевтик жараёнларни самарадорлигини баҳолаш имконини беради;

5. Темпоритмал коррекция усулини Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда даволаш комплексига қўшилиши ҳаракат ва қадам бузилишларини самарали даволовчи номедикаментоз нейрореабилитацион усул бўлиб, базавий даволашга қараганда ижобий самарадорлик кўрсатди. Мелатонин препарати Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда циркада ритмининг бузилишларини, хусусан, уйқу ва когнитив бузилишларини даволаш жараёнларига базавий даволашга қараганда ижобий самарадорлик кўрсатди.

6. «Васкуляр паркинсонизм ва Паркинсон касаллигини аниқлаш бўйича дастурий таъминот» ва ўтказилган кўп омилли математик таҳлилига асосланган прогностик алгоритм касалликка ташхис қўйишда, характерли диагностик меъзонларини кенг кўламда очиб беради, васкуляр паркинсонизмни 78% тўғри баҳолаш имконини беради, шифокорлар учун касалликнинг дифференциал диагностикаси жиҳатдан ёрдам бери.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АКРАМОВА ДИЛШОДА ТУРДИКУЛОВНА

**МНОГОФАКТОРНЫЙ АНАЛИЗ ЦЕРЕБРАЛЬНЫХ СОСУДИСТЫХ
НАРУЩЕНИЙ ПРИ ПАРКИНСОНИЗМЕ**

14.00.13 – Нервные болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib915

Диссертация выполнена в вТашкентской Медицинской Академии.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Рахимбаева Гулнора Саттаровна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Ёринов Мусо Болтаевич
доктор медицинских наук, доцент

Аликулова Нигора Абдукадировна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Казахский Национальный Медицинский
Университет имени С.Д. Асфендиярова

Защита диссертации состоится « 14 » января 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « 22 » декабря 2022 года
(реестр протокола рассылки № 21 от « 21 » декабрь 2022 года)



Ходжиева Д.Т.
Д.Т. Ходжиева
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук (DSc)

С.С. Пулатов
С.С. Пулатов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
медицинских наук

Г.А. Ихтиярова
Г.А. Ихтиярова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Болезнь Паркинсона - это заболевание центральной нервной системы со склонностью к хроническим, стойким обострениям, которое является вторым по распространенности среди пожилых людей и самым распространенным среди нейродегенеративных заболеваний в мире. Цереброваскулярные заболевания составляют от 1 до 15% случаев паркинсонизма, «... 200 из каждых 100 000 человек во всем мире страдают этим заболеванием...»³. По данным Международного фонда Паркинсона и рабочей группы (MDS Task Force), к 2020 году количество случаев болезни Паркинсона во всем мире превысит 10 миллионов, а заболеваемость этим заболеванием у людей трудоспособного возраста в ближайшем будущем увеличится - 5% пациентов. до 40 лет и 10% до 50 лет. Ученые всего мира акцентируют внимание на распространенности цереброваскулярных заболеваний, особенно сосудистого паркинсонизма, как на медико-социальной проблеме из-за того, что молодые люди нуждаются в помощи других из-за снижения качества жизни, инвалидности.

В связи с этим рассматриваются клинические особенности болезни Паркинсона и вакулярного паркинсонизма, когнитивных расстройств, связанных с заболеванием, нейровизуализации при болезни Паркинсона и васкулярном паркинсонизме, а также интракраниальных сосудистых поражениях, повышенном уровне кортизола в сыворотке и изменениях альфа-фетопротеина в сыворотке крови. Особое значение имеет оценка метаболических нарушений методом биоимпедансометрии и эффективности темпоритмального метода при паркинсонизме и нарушения циркадного ритма, разработка специальной компьютерной программы для дифференциальной диагностики сосудистого паркинсонизма.

В нашей стране большое внимание уделяется качеству системы здравоохранения, в том числе диагностике болезни Паркинсона, вызванной различными заболеваниями, профилактике осложнений, возникающих в результате лечения заболеваний. В соответствии со Стратегией Действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, поднятие уровня медицинских услуг на новый уровень поставлены такие задачи как «...повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование. система экстренной помощи, профилактика инвалидности...»⁴. Исходя из выше изложенного одним из актуальных научных направлений является уточнение специфики оптимизации многофакторного анализа сосудистых нарушений головного мозга при паркинсонизме.

В постановлении Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию

³ Marras, C., Beck, J.C., Bower, J.H. *et al.* Prevalence of Parkinson's disease across world. *npj Parkinson's Disease* 4, 21 (2018).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Республики Узбекистан», ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения». Республики Узбекистан», Постановление 2020 г. №ПФ-6110 от 12 ноября 2017 г.

«О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения», № ПП-3071 от 20 июня 2017 г. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлении «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Это исследование является частью VI. Выполняется в соответствии с приоритетами «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Были получены следующие научные результаты по ранней диагностике, лечению и профилактике болезни Паркинсона и васкулярного Паркинсонизма: VADO Study Group(2012) изучено влияние многих мелких сосудистых заболеваний головного мозга на клинику паркинсонизма, течение болезни и обострение клинических симптомов, Институт Паркинсона. (Istituti Clinici di Perfezionamento, Милан, Италия); Исследование Joong-Seok Kim (2017) показало, что сердечно-сосудистый паркинсонизм чаще вызывает сердечно-сосудистые заболевания, чем болезнь Паркинсона. Hoogland J. et all. (2018) сообщили, что когнитивные нарушения возникают раньше у пациентов с болезнью Паркинсона, чем у пожилых людей без цереброваскулярных заболеваний. Mechelle Lewis et all. (2018) подробно изучили изменения нейровизуализации, наблюдаемые при болезни Паркинсона и сосудистом паркинсонизме. Maria Salsone et all. (2019) классифицировали изменения белого вещества при сосудистом паркинсонизме. В своем исследовании Lydia Chougar (2021) изучала дифференциацию симптомов паркинсонизма с помощью магнитно-резонансного анализа в классах. Sarah Buchanan (2021) изучались факторы, вызывающие паркинсонизм, сгруппировав их. Д.М. Похабов и соавт., (2006) определили эффективность недикаментозного метода коррекции ритма сердца при болезни Паркинсона и сосудистом паркинсонизме. О.С. Левин и соавт., по данным (2017) показывают, что когнитивные расстройства вызваны нарушениями метаболизма дофамина, нарушениями кровообращения в головном мозге, изменениями обменных процессов и рядом других факторов.

В нашей республике Л.С. Петелин, М.А. Атаджанов изучили генеалогию 3-4 поколений больных болезнью Паркинсона. М.М. Раимова (2017) раскрыла клинико-дифференциально-диагностические особенности болезни Паркинсона и сосудистого паркинсонизма у лиц узбекского происхождения и роль молекулярно-генетического полиморфизма в их развитии,

